

Шаҳар тарихи

Самарқанд шаҳрининг қисқача тарихи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 26 июлда имзолаган «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори Шарқ дурдонаси бўлмиш шаҳарнинг яна бир бора бўй-басти билан жаҳон саҳнасига чиқармоқда.

Жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, ер юзининг сайқали номини олган Самарқанд мустақил Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий ва илмий-маданий марказларидан бири ҳисобланади.

Маълумотнома: Самарқанд Ўзбекистоннинг жанубий - ғарбий қисмида, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида, Дарғом ва Сиёб каналлари орасида, денгиз сатҳидан 725 м . баландликка жойлашган, аҳолиси 400 мингга яқин, майдони 0,09 минг м² .

Самарқанд жуда бой ва қадимий тарихга эга. Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ниҳоятда мураккаб жараёнда кечган. Археологик маълумотларга қараганда тош давриданок Зарафшон водийси ибтидоий аждодлар томонидан ўзлаштирилган. Бунга водийнинг серунум тупроғи, мўътадил иқлим ва одамзод яшаш учун қулай шароит мавжудлиги сабаб бўлган. Ургут тоғларидаги Омонқўтон, Булунғур туманидаги қўтирбулоқ, Нарпайдаги Зирабулоқ, Самарқанд шаҳридаги «Динамо» ўйингоҳининг ёнида топилган ибтидоий одамлар яшаган манзилгоҳлар фикримизнинг далилидир. қолаверса тош асрдан кейинги бронза даврида Зарафшон водийсининг бир неча жойларга одамлар истиқомат қилганлар. ҳозирги Самарқанд худудида ҳали шаҳар пайдо бўлмасдан анча олдин Университет хиёбонининг жанубий томонида Лолазор маҳалласи ўрнида, Оби Раҳмат ариғининг чап қирғоғидан қўрғонча маҳалласида ва Сартепа мавзеининг жанубий қисмида энг қадимги қишлоқлар юзага келган.

Маълумки, 1970 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонлаган. Бу юбилей ўша даврда қадимшуносларимиз қўлга киритган ютуқлар асосида қайд қилинган эди. Мустақилик шарофати туфайли Самарқанднинг пайдо бўлиш тарихи янада ҳам қадимийроқ эканлиги аниқланди. ўзбек археологлари М. Исомиддинов ва А.Отаҳўжаевларнинг франциялик олимлар Поль Бернар, Франц Грене, ва Клод Рапенлар билан ҳамкорликда Афросиёбда олиб борилган тадқиқотлари натижасида унинг энг қуйи маданий қатлами ўрганилди. Натижада ер сатҳидан 10- 15 метр чуқурликда милoddан аввалги IX - VII асрларга таалуқли ашёлар топилди. Булар қўлга ясаб рангли нақш берилган идишларнинг парчалари ва шунингдек, гуваладан тикланган 7 м . қалинликдаги мудофаа девори қолдиқларидир. Топилган ушбу намуналар Франциянинг Жив-Сюр-Ивст шаҳридаги радиоактив лабораториясида тадқиқ қилинди. Лабораториядаги таҳлиллар бу ашёлар бундан 2750 йил илгари яратилганлигини кўрсатди.

Энди Самарқанд шаҳри номининг келиб чиқиши ва унинг маъносига келсак, бу борадаги баҳслар ҳамон давом этмоқда. Кўпчилик Шарқ муаллифлари «Самарқанд» сўзининг биринчи қисми, яъни «Самар» сўзи шу шаҳарда асос солган ёки шаҳарни босиб олган киши номи билан боғлайдилар. Аммо тарихда бундай исми киши тўғрисида маълумот йўқ. Сўзнинг иккинчи қисми «Кент» (қанд) □ □ □

кишлоқ, шаҳар деган маънони билдиради. Бу ҳақда жуда кўплаб ривоятлар битилган. Айрим европалик олимлар, бу қадимдан қолган, санскритча «Самария»га яқин, яъни «йиғилиш, йиғин» сўзидан келиб чиққан деб изоҳлайдилар. Антик давр манбаларида шаҳар «Мараканда» деб аталган. Бу балким «Смараканда»нинг юнонча айтилишидир. X - XI асрларда яшаган олимлар Абу Р айҳон Беруний ва Маҳмуд қошгарий шаҳар номининг келиб чиқишини «Семизкент», яъни «семиз, бой кишлоқ, шаҳар» сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб тушунтирадилар.

Самарқанд жаҳон шаҳарсозлиги тарихида чуқур из қолдирган ʼладимий масканлардан бири ҳисобланади. Милоддан олдинги 1-минг йилликнинг ўрталаридан то XVII аср бошларигача Самарқанд Суғднинг маъмурий маркази бўлган. Кўхна шаҳарнинг қолдиқлари Афросиёб харобаларида сақланиб қолган. Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (1 аср) нинг ёзишича Самарқанд қалъаси деворининг айланаси тахминан 10,5 км бўлган. Бошқа Юнон манбаларида ёзилишича шаҳарнинг ичида ҳашаматли саройлар бўлган. Шундай ҳашаматли саройларнинг бирида кайфи ошиб қолган Александр Македонский ўзининг яқин сарфдоши Клитни ўлдириб қўйган эди.

қадимги Суғд, жумладан Самарқанд халқи ўз тарихи давомида бир неча марта чет эл босқинчиларга қарши ўз мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида мардонавор курашиб келган. 329-327 (м.о) йилларда Самарқанд аҳолиси Спитамен бошчилигида Александр Македонский босқинига қарши кураш олиб боради. Юнон-Бохтар ва Кушон подшоликлари даврида Самарқандда ҳунармандчилик, савдо-сотик, маданият ва шаҳарсозлик юксак даражада ривожланади. VI асрдан бошлаб Суғд давлати, жумладан Самарқанд ҳам Турк хоқонлиги таркибига киради. Аммо Самарқанд ҳукмдорлари ўз сиёсатларида мустақил эдилар.

Самарқанд орқали шарқ ва ғарб савдоси амалга оширилар эди. Буюк ипак йўлида Самарқанд муҳим бўғин ҳисобланар эди. Шаҳар савдогарлари Хитой, Эрон, Миср, Сурия, Һиндистон, Византия билан савдо сотик қилар эдилар. Айнан Самарқандда шарқ ва ғарб маданиятлари ўзаро тўқнашган ва бир-бирини бойитган. Шу боис шарқда кенг тарқалган мақолалардан бирида «ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд» дейилган. Шунинг учун бўлса керак Самарқанд ва Рим инсоният тақдирдаги буюк хизматларни назарда тутиб «Боқий» шаҳарлар номни олганлар.

712 йилда Самарқанд қутайба бошчилигидаги араб босқинчилари томонидан забт этилди. қўзғолон қўтарган шаҳар аҳолисининг бир қисми кириб ташланган, бир қисми қувиб чиқарилган. Шундай кейин ҳам Самарқанд аҳли ўз истиқлоли учун курашни давом эттирган. Шаҳар VII - IX асрларда араб босқинчиларига қарши йирик қўзғолонлар: Муқанна ва Рофе ибн Лайс бошчилигидаги чиқишларнинг маркази бўлган. IX -асрнинг 20 йилларидан бошлаб Самарқанд сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган. 887 йилда биринчи марта сомонийларнинг қумуш тангалари Самарқандда зарб қилинган. Сомонийлар пойтахти Бухорога қўчирилгандан (889 й) кейин ҳам Самарқанд Мовароуннаҳрнинг энг йирик ҳунармандчилик, савдо ва маданият марказларидан бири бўлган. Айнан шу даврда дастлабки мадрасалар, кутубхоналар вужудга келган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар шаклланиб борган.

XI асрдан бошлаб Самарқанд қорахонийлар давлати таркибига кирган. 1089 ва 1130 йилларда уни салжуқийлар босиб олган, XII асрдан қорахитойларга тобе бўлган. 1210 йилдан Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибида бўлган. 1212 йили самарқандликлар Хоразмшоҳга қарши қўзғолон қўтарган. 1220 йили Чингизхон қўшинлари Самарқандга бостириб кириб, шаҳарга ўт қўйган ва аҳолининг кўп қисмини қирган, тирик қолганлар шаҳардан чиқиб кетган. Бир неча йилдан сўнг Самарқанд қайта

тиклана бошлаган. Марко Поло Самарқандга келмаган, у Самарқанд ҳақидаги маълумотларни отаси ва амакисидан олиб ўз китобига киритган.

XIV асрнинг ўрталарига келиб муғулларга қарши Мовароуннаҳрда халқ ҳаракатлари бошланди. 1365 йилда Самарқанд аҳолиси сарбадорлар бошчилигида шаҳарда ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар ва уни 1366 йилнинг баҳоригача бошқардилар.

1370 йилда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эътироф этилиши Самарқанд тарихи учун янги саҳифа очиб берди. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Самарқанд давлат пойтахти сифатида XIV асрнинг охири ва XV □□□□□□□□□□ Шарқнинг энг гўзал шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий марказига айланди. Бу даврда Самарқандда ўнлаб бинолар, ғарбий қисмида эса шаҳар қалъаси (34 га) барпо этилди. Унинг ичида иккита қаср - Кўксарой ва Бўстонсарой, хунармандчилик устахоналари, савдо расталари, карвонсаройлар, ҳаммомлар, шифохоналар ва бошқа маданий □□□маиший бинолар қурилди. Амир ва амирзодалар қалъадан ташқари Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Биҳишт, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Майдон, Боғи Зоғон, Боғи Нав, Боғи Феруза, Давлатобод, Боғи Баланд каби боғлар бунёд этдилар. Шаҳар ичкараси ва ташқарисида Бибиҳоним Жоме масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шохи Зинда мажмуаси, Улуғбек мадрасаси, расадхонаси каби кўплаб машҳур меъморий обидалар яратилди. Самарқанд замонасининг йирик илмий марказларидан бирига айланди. Тафтазоний, Журжоний, қозизода Румий, ғиёсиддин Жамшед, Али қушчи каби олимлар жаҳоний шухрат топдилар. Улуғбек бошчилигидаги Самарқанд илмий мактабининг маҳсули бўлган «Зижи жадидий Кўрагоний» асарида келтирилган астрономик, математик мушоҳадалар ва фактлар ўзининг аниқлиги билан ҳамон дунёни ҳайратга солмоқда. Жаҳон мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам Самарқандда таълим олганлар.

XV асрнинг охирида, қисқа муддат давомида шаҳарда ҳукмронлик қилган Заҳириддин Бобур Самарқандга қуйидагича таъриф беради: «Р уब्и маскунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жаъми меваси хуб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдир: себи Самарқанд ва соҳибий Самарқанд□ □□ Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур□ □□ Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар».

Самарқанд XVI асрда шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлганда ҳам, Бухоро хонлиги даврида ҳам муҳим иқтисодий ва маданий марказ бўлиб қолаверди. Аммо Бухоро хонлиги даврида кечган ўзаро урушлар шаҳар тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан иқтисодий ва маънавий анъаналар давом этди. ҳаттотлик ва минатюра санъатининг Самарқанд мактаби вужудга келди. Ялангўш Баҳодир ҳокимлиги даврида Р егистон майдонида Шердор (1619-1636), Тиллақори (1646-1660) мадрасалари, Хўжа Ахрори Вале қабри олдида Нодир девонбеги мадрасаси ва бошқа бинолар қурилди.

1868 йил майидан бошлаб Самарқанд ҳам Чор Р оссиясининг мустамлакасига айланди ва ташкил этилган Самарқанд вилоятининг маъмурий маркази бўлди. Бу даврда ҳам шаҳар ўз иқтисодий ва маданий аҳамиятини йўқотмади. Эрксевар самарқандликлар бир неча марта мустамлакачиларга қарши бош кўтардилар. Айниқса 1868 ва 1916 йилларда бўлиб ўтган қўзғолонлар мустамлакачиликларни шошириб қўйди. Р ус чоризми мустамлакаси йиллари эски шаҳар ёнида Европа шаҳарсозлиги анъаналари асосида янги шаҳар қад кўтара бошлади. Янги типдаги бинолар, хусусан, христиан черковлари, ҳозирги университет хиёбони бунёд этилди. Шўролар ҳукмронлиги даврида ўтказилган

миллий худудий чегараланиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикасининг биринчи пойтахти (1925-1930 йил) Самарқанд шаҳри бўлди. Аммо чор мустамлакачилик даврида бўлгани сингари Шўролар ҳукмронлиги даврида шаҳарнинг тарихий қисми эътибордан четда қолди.

Самарқанд бой тарихий ва маданий меросга эга шаҳар. Турли даврларда бу ерда жаҳон мумтоз адабиётининг намояндаси Рудакий ва олим ҳамда шоир Умар Хайём, калом илмининг асосчиси Абу Мансур Мотирудий ва фикр илмининг билимдони Бурхониддин Марғилоний, накшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хўжа Ахрори Валий, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийлар яшаб ижод этдилар, давлат ва жамоат арбоблари Ф.Хўжаев ва Ш.Р ашидовлар камол топдилар, ҳадис илмининг буюк билимдони Исмоил Челақда дафн қилинган ал-Бухорийнинг отасидир, у кишининг асл исми Муҳаммад бўлиши керак, Исмоил ал Бухорий Самарқанд яқинида абадий кўним топган. Тарихий манбаларда Самарқандда Балхий, Дамашкий, Бағдодий, Нишопурий, Астрободий, ҳамадоний, Бухорий, Насафий, Марвазий, Хўжандий, Марғиноний, Ахсикати, Добусий, Термизий, Шоший тахаллусли юзлаб алломалар яшаб ижод қилганликлари ва шу ерда дафн этилганликлари қайд этилади. Туркистон жадиждарининг йўлбошчиси, истиқлол учун толмас курашчи Маҳмудхўжа Бехбудий ва мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов шу юрт фарзандларидирлар. Шоир ва ёзувчилар ҳамид Олимжон ва Садриддин Айний, академиклар Иброҳим Мўминов ва Яхъё ғуломов, Воҳид Абдуллаев ва Акбар Отахўжаев, Ботирхон Валихўжаев ва Юрий Буряков, профессорлар Мавлон Жўракулов ва Темур Шириновлар сингари кўплаб олимлар Самарқанд илм-фани ва маданиятини XX- XXI аср бошида дунё миқёсига олиб чиқдилар. Ана шунинг учун ҳам Самарқанд Шарқда уйғониш даврини бошлаб берган марказлардан бири, образли қилиб айтганда, унинг ўзига хос дурдонаси ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг 2001 йил Финляндияда ўтказилган 25 сессиясида Самарқанд меъморий-тарихий ёдгорликларнинг Жаҳон мероси рўйхатиغا киритилганлиги бежиз эмас. Зеро шаҳар худудида 73 та йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Самарқанд ҳозирги пайтда ҳалқаро туризм ривожаланган шаҳарлардан биридир. Сайёҳлар хизматида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд бўлими, бир қатор хусусий сайёҳлик агентликлари, «Афросиёб», «Президент-отель» каби замонавий ҳамда кўплаб хусусий меҳмонхоналар, бир қатор истироҳат боғлари ҳамда спорт иншоотлари.

Азалдан тадбиркорлиги билан оламга танилган самарқандликлар учун истиқлол катта имкониятлар яратди. Шаҳарда майда ва ўрта бизнес жадал ривожланмоқда. Самарқанд республика автомобилсозлик саноатининг марказларидан бирига айланди. ҳозирги пайтда Самарқандда 7 та олий ўқув юрти, кўплаб коллеж ва лицейлар, 3 та театр, 7 та музей, 4 та илмий-тадқиқот институти, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёни ўрганиш халқаро институти, ўзРФА минтақавий бўлими фаолият кўрсатмоқда. Амир темур, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридийларнинг муборак тўйлари кенг нишонланди. Юрт бошимизнинг бевосита ташаббуслари билан ҳар йили 18 октябрда Самарқанд шаҳри куни нишонланиб келинмоқда. 1997 йилдан бошлаб эса ҳар икки йилда бир марта «Шарқ тароналари» халқаро фестивали Самарқандда ўтказилмоқда.

«Самарқанд нафақат муқаддас обида ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги □ □ □ бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур», - деган эдилар Республика Президенти И.А.Каримов 1996 йили Самарқанд шаҳрига Амир Темур орденини топшириш чоғида сўзлаган нутқларида. Мустақиллик даврида шаҳар алоҳида нуфузга эга бўлди. Юқорида таъкидланганидек, жаҳон цивилизациясининг марказларидан

бири бўлган Самарқанд бундан кейин ҳам ўз маънавий-маърифий, илмий ва маданий салоҳияти билан халқимизга хизмат қилаверади.